... Пешанамдаги ғуррани айтяпсизми? Эй, сиз сўраманг, мен айтмай. Ёшим бир жойга бориб қолган бўлса-да, ҳали ҳам кичик илмий ходимман. Катта-кичик деган илмий ходимлик ёшга қараб берилмаскан. Каттароқ бир кашфиёт қилишни кўпдан бери орзу қилиб юрардим. Бир куни қўшни илмий-текшириш институтида ишлайдиган дўстим маслаҳат бериб қолди:

— Олим бўламан десангиз, олма дарахтининг тагида ётинг!..

Қани, шу кароматгўй дўстимни ҳам гапини қилиб кўрай-чи, деб дала ҳовлимиздаги олма дарахтининг тагида йиғма каравотни қўйиб, кузнинг айни пишиқчилик пайтида новдаларда маржондай терилган нақшин олмаларга тикилиб ётдим. Қуёшнинг илиқ тафти элитдими, ёки одамнинг ўзи лоҳас бўлганиданми, кўзим илиниб, пинакка кетиб қолибман. Бир маҳал уйғониб қарасам, атрофимда олмалар тўкилиб ётибди. Тасодифга қаранг, ақалли бирорта қурт еган олма ҳам бошимга тушмабди-я. Бу ҳам омадсизликнинг белгисида. Кейин эринибгина ўрнимдан туриб, кашфиётга ярамаган олмаларни челакка териб, томга чиқариб, кесиб ейдим... Томдан тушиб, яна бир илинж билан каравотни серолма шохнинг остига сурдим. Чалқанча ётиб, хаёлнинг нўхтасини бўшатиб, узоқ кутдим. Хаёлга ғарқ бўлиб, яна ухлаб қолибман. Уйғонсам, яна ўша аҳвол: атрофимда олмалар тўкилиб ётибди. Пешонамга битта урдим, лекин нимага урганимни ўзим ҳам билмайман.

«Кел, — дедим ўзимни ўзим овутмоқчи бўлиб, — бошимга олма тушди ҳам дейлик, кейин нима бўлади? Мен нимани кашф этаман? Ахир, ернинг тортилиш кучи аллақачон кашф қилинган-ку! Агар бу бош деганлари бузуқ телевизордай бир мушт емаса ишламайдиган бўлганда эди, уриб-уриб бошимни пўласини чиқармасмидим?»

Эй, барибир ҳам аввалги бошларнинг бир хосияти бор экан. Ҳозирчи, ҳозирги бошларга тегирмон тоши келиб тушса ҳам бир нарса чиқиши қийин...

Оддий одамнинг бошидан соч тўкилса, ҳамма уни тепакал деб мазах қилади. Ўша одам олим бўлса-чи? Унда унинг тепакаллиги олимлигига кўрк бағишлайди. Бу борада институтимизнинг раҳбари Шоди Сатторовичга ҳавасим келади. Тепакаллиги олимлигигагина эмас, келишган савлатига ҳам, ўтирган ўрнига ҳам кўрк бағишлагандай. Соч тўкилиши «кўп китоб ўқиганлигидан, кўп ўйлаганлигидан», деганлари учун Шоди Сатторовични ўқимишли, катта олим деб юрардим...

Вақт ўтиб, ўзимнинг ҳам сочим тўкила бошлади. Тўкилиш икки чеккамдан бошланиб, бошимнинг устида бирлашди. Пешонамда бир тутам соч оролга ўхшаб ажралиб қолди. Кундан-кунга бу орол ҳам емирилиб «сувга ғарқ» бўлди. Орқага қараб тарайдиган сочимни олдинга тарайдиган бўлдим. Бу ўзимга ғалати туюлди: сочимни олдинга қараб тарашим тепакаллигимни эмас, гўё олимлигимни яширгандай бўлди. Бошимдаги «яланглик» ўзлаштирилаётган қўриққа ўхшаб кундан-кунга кенгайиб бораётганидан хавотирга тушиб, дўхтирга мурожаат қилдим. Дўхтир ҳам ўзимга ўхшаган, боши қуриётган оролга ўхшаб пўсирда экан.

— Витамин етишмайди! — деди у бошимга хиёл чертиб. — Бошнинг пўстлоқ қисмида витамин камайдими, соч тўкилиш бошлайди...

— Ўзлариники-чи? — дедим им қоқиб. — Ғафлатда қолган эканлар-да?

У менга бир олайиб қараш билан кифояланиб, қўлимга дорилар рўйхатини берди ва:

— Парҳез китобларни кўпроқ ўқинг! — деди...

Шу-шу бўлдию, Шоди Сатторовичнинг бошига бўлган ҳурматимга путур етди. Тепакаллиги кўп ўқиганлигидан эмас, витамин етишмаганлигидан экан-да!

Бир кун эрталаб соқолимни қиртишлаётган эдим, калламга ажойиб фикр келиб қолди. Бу фикрни ошхонада куймаланиб юрган хотинимга ошкор қилиб, дедим:

— Қундузхон, нима учун хотинларда соқол ўсмайди, а?

Аввалига менинг бемаъни саволимга ҳайрон бўлган бўлса керак, индамади, бироздан сўнггина ҳиринглаган овози чиқди.

— Қайдам, соқол бекорчиларга чиқса керак-да...

Хотинимнинг жавобига унчалик аҳамият бермадим. Менга унинг жавоби эмас, ўзимнинг калламга келиб қолган фикр аҳамиятли эди. «Беъмани деб ўйлаган шу саволни илмий тарзда исботлаб берсамми, тарихда абадий қоламан», деб ўйладим. Хўш, нима учун хотинларда соқол йўқ? Сиз бирор

*Илҳом ЗОЙИР*

## ҒУРРА

*Ҳажвий ҳикоя*

марта шу хусусда ўйлаб кўрганмисиз? Бу саволга жавобни қаердан излаш керак?

Кўп ўтмай йўли топилди. Жавобни эркаклардан қидириш керак! Институтимизда Исмоил деган киши бор. Унинг сочи қалин бўлгани билан иягида бир дона ҳам тук йўқ бўлиб, юзи бўйи етган қизларнинг ёноқларидай сип-силлиқ. Лекин кўп гапиради. Бир гапга тушиб кетса борми, кўнгилни бехузур қилиб юборади. Кўпинча ҳазиллашиб:

— Исмоил ака, сизга маза: соқол олиш ташвишидан қутулгансиз, — деймиз, у бўлса:

— Соқолни мен олай-да, — дейди кулиб. — Сенлар соқолларинг борлигидан уялиб қиртишлайсанлар, мен эса соқолсизлигимдан уялиб қиртишлайман...

Исмоил аканинг туксиз иягидан узоқ вақтлар маъно изладим. Баъзида ўтириб-ўтириб ўзимча мулоҳаза қиламан: «Витамин етишмаслигидан соч тўкилса, нима учун Шоди Сатторовичнинг соқоли тўкилмаган? Ахир соч билан соқол — иккаласи ҳам жун-ку. Иккаласига ҳам бир хил витамин керак» Исмоил аканики эса мутлақо тескариси...»

Уйга кела солиб ўзимни диванга ташлайман-да, шуни ўйлайман. Ўзимни чалғитиш мақсадида газета варақлайман: кўзларим шунчаки сатрлар орасида кезади, лекин калламга ҳеч нарса кирмайди. Телевизорни қўяман: кўзларим экранга қадалган, лекин ҳеч нарсани кўрмайман. Хотинимнинг эса чакаги тинмайди. Ўзи авваламбор йигитнинг шохи қайрилмасин экан, қайрилса тамом, хотини бошига чиқиб оларкан... Хотиним радиоприёмникни ўзи: битта пластинкаси бор. Ҳар куни ёлғиз шу пластинканинг ё у ёғи ёки бу ёғи қўйилади.

— Битта сиз ишдан чарчаб келасизми? Унда мен ўйнаб келарканманда! — дейди ошхонадан туриб. — Қарашиб юборай ҳам демайсиз!

Мен бўлсам пинагимни бузмай, чўзилиб ётавераман.

— Итда тиним бор, менда тиним йўқ. Сиз бўлса, хаёл сурганингиз сурган, билмадим муддаойингиз не?

Ўзимча ғижиниб қўяман. Бир нималар демоқчи бўламан-у, яна шаштимдан қайтаман. Унинг эса пластинкаси айланаверади:

— Мушук сичқон тутмаса миёвлаши қулоққа ёқмаскан...

Бу гап шохимнинг синган жойини қичитади.

— Нима қил дейсан?

— Ҳеч нима, ётаверинг, — дейди минғирлаб.

— Мен буюк ишлар ҳақида ўйлайман.

— Эркакларни топган гапи шу. Бечора хотинлар..

— Йиғлама! — дейман ҳафсалам пир бўлиб. — Нимага энди хотинлар бечора бўларкан? Агар билсанг, эркаклар ётса ҳам, турса ҳам хотинлар ҳақида ўйлайди.

— Бизлани ўйласангизла, кела солиб диванда ётиб оласилами?

— Билсанг, буюк кашфиётлар ана шу диванда ётиб кашф этилади!..

У гапимни эшитади ёки ўзини эшитмаганга олиб, атайлаб коса-товоқни бир-бирига уриб тарақлатади. Шу билан менга заҳрини сочмоқчи бўлади.

— Бир пайтлар хотинлар бир неча чақиримдаги ариқданми, ҳовузданми сув обкелиб, ошовқат пиширишган, — дейман овозимни баланд қўйиб. — Биз эркаклар сенларни мушкулинг осон бўлсин деб, водопроводни кашф этдик. Агар шу нарсани кашф этмаганимизда, юрардинглар ҳозиргача ариқдан сув ташиб.

— Эй, кўп вайсаманг! Биз, биз...

— Сен, хотинлар газ нималигини билармидинглар? Балони билардинглар! Авваллари ўчоқ ёқаман деб қоракуяга беланиб, тутун қайтарардинглар. Биз эркаклар газни тумшуғингларни тагига келтириб қўйдик: чирс этиб ёқасанлар, шиғ этиб қайнайди.

— Яна нима?..

— Кир юваман деб қўлларинг тарс-тарс ёрилган бир вахлар, тўғрими? Тўғри, деявер, шундай бўлган-ку. Ўшанда ҳам биз эркаклар ёрдамга шошилганмиз. Сенларга кир ювиш машинасини кашф этиб берганмиз... Дазмолни айтмайсанми, дазмолни. Шу миттигина матоҳ бўлмаганида, тўэс, кашф этмаганимизда, ғижим кўйлак билан кўчага чиқолмай, ўтирардинглар уйда — хонанишин бўлиб-б... Яна, нега кела солиб ётиб оласиз дейсан, а?..

Бу гаплар таъсир қилдими, ёки «шунга гапириб нима фойда топаман» деб ўйладими, жим бўлиб қолди. Мени эса хаёлим яна Исмоил акага қочди. «Исмоил акадан бир нарса чиқиши гумон... Йўқ, ўзи хотинларда соқол чиқмаса эркаклар айбдорми? Буни бошқа сабаблари бўлса керак-да!..»

Пинжимга кириб олган мушугимизнинг хуррилаши хаёлимни яна чувалаштириб юборди. Мушукни бўйнидан ғижимлаб эшик томонга отиб юбордим. Миёвлаганича ошхонага кириб кетди. Орадан хиёл вақт ўтмай ошхонада нимадир тушиб синди, хотинимнинг жазавали қичқириғи эшитилди. «Хотиним атайин жиғимга тегиш учун қиляпти», деб жаҳл билан ошхона томон югурдим. Ошхона эшигини очишимни биламан, пешонамга бир нарса тарс этиб урилганида кўзимдан ўт чиқди. Жонсарак мушук чотим орасидан ўтаркан, юрагим товонимга тушиб кетди. Оёғимнинг остига қарасам, бир дона олма думалаб ётибди.

— Мен мушукка отган эдим, — деди хотиним ўзини оқламоқчи бўлиб.

— Энди каттароқ кашфиёт қилсам керак, — дедим пешонамни силаб...

Орадан бироз фурсат ўтгач, кашфиёт нишонаси кўринди... Мана, сиз кўриб турган ғурра... Майли, узр, автобусимиз ҳам келиб қолди...

# ЕТТИҚИШЛОҚ ҲАНГОМАЛАРИ

***Бир пайтлар бир-бирига ёндош бўлган еттита қишлоқча бориди. Номлари ҳам хўб ғалати: Галатентак, Чувиллоқ, Тандиртупроқ, Ибодовсар, Татарқишлоқ, Қулқишлоқ, Яланғоч... Бир куни шу қишлоқлар оқсоқоллари йиғилиб, давра қуришди. У ерда шундай гаплар бўлди:***

***— Галатентакликлар ҳақидаги ривоят бугунга келиб эскирди.***

***— Бўлмаса-чи, чувиллоқлар ҳам энди қишлоқларга ораламайди.***

***— Ҳеч ким тандир қураман деб тупроқ ташиётгани йўқ, тайёрини олади-қўяди.***

***— Ибод овсар эса бу дунёни ақллиларга ташлаб кетганига ҳам юз йиллар бўлдиёв.***

***— Татарқишлоқда бугун биттаям татар яшамайди.***

***— Қулқишлоқда қуллар йўқ...***

***— Яланғоч... Йўғ-е, ҳозир бу ердагиларнинг ҳеч бўлмаганда беш-олти сидрадан кийим-боши бордир.***

***Хуллас, барча қишлоқчаларни бириктирадиган бўлишди. Еттиқишлоқ деган улкан жой бўлди. Бу жойда эса ажойиб-ғаройиб одамлар яшайди. Бариси қувноқ, сўзамол, ҳазилкаш... Шулардан бири Хапиз бобо. Бир одати бор. Жаҳли чиқса ҳовлисидаги чумчуқ-чуғурчуқларни тош отиб қувлайди. Шунда фарзандлари англайдики, бирор ноўрин ҳаракатлари билан бобони ранжитишган. Дарров оталари ёнига бориб узр сўрашади. Яна бири Жумагул момо. Овқат пайти келинига човгумни опкелтиради, сўнг ҳамманинг кўз олдида човгумдаги қайноқ сувдан косасига шуриллатиб қуяди, кейин ҳеч нима бўлмагандек шўрвасини ичаверади. Янги келинчак англайдики, у бугун овқатни шўрроқ қилибди. Жумагул момо ҳақида шундай гап юради: «Жоним-жоним, деб жонингни олади!» Айби шу, бирор хатолик иш бўлса коймайди, бақириб-чақирмайди, фақат биттагина ривоят ёки матал айтади. Унинг гапи нишонга теккан ўқдек ўз эгасига бориб урилади. Айбдор айбини бўйнига олади. Гапимиз бироз чўзилди, шекилли. Келинг, шу қишлоқда бўлган ҳангомалардан эшитинг.***

## ҒАЛАТИ МАСЛАҲАТ

Назир бригадирнинг кичик куёви бу гал негадир хомуш кўринди. Саломиниям ўзидан бошқа ҳеч ким эшитмади. Начора, куёвни пайғамбарлар ҳам сийлаган. Бригадир кўрпачани қалин солдириб, уни тўрга таклиф этди. Сўнг ўйлади: «Ўзи-ку қизимни бергунимча ҳовлимга мўралайвериб, даворимнинг нақ ярмини кўчирди. Яна нима етмаётганийкин, бу кишимга...» Шунда куёви аста кўнгил ёрди:

— Ота, қизингиз врачликка тиш-тирноғи билан ёпишиб, уйга ҳеч қарамай қўйди. Эрта кетиб, кеч келади. Касалхонада кунора навбатчилигиям бор. Гапирсам, «Ҳали илмий иш қилишим керак» дейдимией...

— Ие, ота ўғил, бунинг осон йўли бор, шуни бир синаб кўрмайсизми? — деди Назир бригадир куёвига кўз қисиб.

— Қанақа экан у, осон йўли?!

— Бунақа аёлни яхшилаб калтаклаб туриш керак. Ана шундан кейин эси кириб, уйим-жойим, дейдиган бўлади. Ҳа!

Куёв кулимсиради. Калласини қашиб ўрнидан турди. «Ҳай, мен борайин» деди. Қайнота куёви билан хушлашаётиб, қулоғига деди:

— Тағин юз-кўзини кўкартириб ташламанг-а, ота ўғил. Шунчаки урган бўлинг-да...

Шунда куёв кулиб юборди. Сўнг калласини чайқаб деди: «Ғалати гап қилдингиз-да, ота. Қизингизни бошимга кўтарсам — кўтараману, асло чертмасман. Мен келиб-келиб сиздан маслаҳат сўрадимми, ҳали», — деб чиқиб кетди.

Назир бригадир унинг ортидан эшик ёпаётиб, айёрона илжайди. Кейин ўз-ўзига сўзлади: — Тавба, ўтган сафар катта куёвимам худди шунақа деб чиқиб кетувди!

## ИШОНЧЛИ ДАЛИЛ

Ҳаким сувчининг даштга эккан маккайиси бир қарич бўлганди. Сувчи экинзоридан ҳар куни хабар олар, ҳатто бир чеккасидаги сояга чўзилиб, озроқ дам олиб қайтарди. Бир куни сал пинакка кетган эканми, бир ниманинг шарпасидан чўчиб тушди. Қараса, ён қўшнисининг сигири маккайизорнинг ўртасида юрибди. Қўлига тош олиб, сигирга отмоқчи бўлди. Сўнг мулоҳаза қилди: «Тўхта, мулла сувчи, тўхта! Қачонки бирор киши ҳақидаги тахминимни айтсам, шу қўшним, Ишончли далилингиз бўлмаса, орқаваротдан гапирманг, деб кўпчилик ўртасида оғзимга уради. Ҳозир ҳам бориб, мана шу аҳволни айтсам, ишонмаслиги аниқ. Яхшиси, молини ахтариб келгунича кутайин, ўз кўзи билан кўрсин!» Сигир бир четдан майсаларни паққос тушираверди, сувчи эса тишини-тишига қўйиб, қўшнисини кутаверди. Орадан уч соатча вақт ўтди. Дала йўлида қўшниси кўринди.

— Вой, ҳаром қотгур, бу нима қилиқ? — дея қўлига таёқ олиб сигирни ҳайдади қўшниси, сўнг сувчига кўзи тушиб, ажабланди: — Вой, қўшни, сиз шу ердамидингиз?!

— Уч соатдан бери шу ердаман, — деди сувчи йиғламоқдан бери бўлиб. — Сигирнинг қилган ишини ўз кўзинг билан кўргин, деб кутиб ўтирувдим. Мана, сенга ишончли далил, — деб ярмидан кўпроғи пайҳон қилинган макказорга қўли билан ишора қилди у.

## ЎЗИНИНГ ОДАМИ

Шукур ферма аёли — Маринани бундан йигирма саккиз йил олдин саллотликдан эргаштириб келган. Қишлоқ аёллари шу кунiёқ бу немис қизни ўзбекча кийинтиришди, оти Майрамхон бўлсин, дейишди. Шу-шу Майрамхон бинойидек уй бекаси бўлди-қўйди. Боласеварлиги, уй тутиши Шукур фермага хуш келадию, бу аёли тушмагурнинг қизиқ феъли бор-да. Тўй-тўйчиқ борми, маърака борми, аралашиб-қуралашиб юрган эрининг ёнига ҳеч тап тортмай бораверади. «Қорнингиз тўқми? Чой ичдингизми? Режимингиз бузилмадими?» деб сўрайди. «Ёнингиздагиларга қўшилиб кўп ичиб қўйманг» дея тергайди. Шунда четдан келган бегона меҳмонлар секин томоқ қириб қўйишади. Шукур ферма лавлагидай қизаради.

Бир куни ферма кўнглига яқин уч-тўрт оғайнисини меҳмонга чақирди. Майрамхон асалдайгина қилиб шўрва пиширди. Ўзбек борки, олдига шўрва келса, уни ичишдан олдин қошиқ солиб бир айлантириб кўради. Меҳмонлар қарашсаки, ҳар бирининг косасида чумчуқнинг бошидай бир-икки бўлакдан гўшт, мезбонникида эса иликлигина, сергўшт суяк дўппайиб турибди. Ўтирганлар бир-бирига киши билмас им қоқишди. Шукур ферма буни сезди. «Муруч олиб келайин» деб ичкарига йўналди. Сўнг Майрамхонни койиди: «Овқатнинг сарасини меҳмонга сузгин, одатимиз шунақа, деб неча марта айтганман сенга?!»

Майрамхон қўлларини белига қўйиб, ичкаридагилар эшитсин деб атай товушини баланд кўтарди: — Айланай эр, сиз ўзимнинг одамимсиз, бошқалар билан менинг нима ишим бор?!

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА**

## Мен асабий эмасман

Рўзнома сотиб олиш учун навбатда туриб, асабларим роса таранглашди. Сотувчи таниш-билишига навбатсиз сотгани етмагандай, бир даста рўзномани олиб, пастга яширяпти.

— Бу нима қилганинг?! — дедим кўзимнинг пахтаси чиққудек бўлиб. Нега яхшисини яшириб ёмонини бизга сотаяпсан? Кейин уларни керакли кишиларга қимматга пуллайсанда-а?!

— Яшираётганим йўқ. Булар эски рўзномалар, ҳеч ким олмайди. Керак бўлса мана олинг, — дейди қаллоб.

— Пишириб е, — дедим оғзимдан кўпик сачратиб.

Жаҳлим чиқаётгани сабабли, миям лўқиллаб оғриб, қулоқларим шанғиллай бошлади. Асабийлашганимдан аъзойи баданим қалт-қалт титрар, вужудимдан тер қуйила бошлади.

«Лаънати» дея тишларимни ғижирлатганча титраб-қақшаб пул узатиб рўзномани қўлидан юлқиб олдимда, четга ўтиб варақлай бошладим.

«Асабийлашиш — умр эгови» деган қизиқ мақола босилган экан, ўқиб чиқдим. Дўхтирларнинг фикрича, одамзотдаги барча касалликлар деярли асабийлашиш оқибатида пайдо бўларкан. Тез-тез жаҳли чиқадиган одамлар қисқа умр кўриб, аксинча, ҳа деганда асабийлашмайдиганлар эса узоқ умр кўраркан. Э-ҳа, демак узоқ умр кўриш учун сира асабийлашмаслик керак экан-да. Бундан сўнг асло асабийлашмасликка аҳд қилдим. Асабийлаша бошласам: «мен хотиржамман», «мен хотиржамман», «мен асабий эмасман» деб такрорласам бўлди, тинчгина юравераман.

Ана, қаранг, қўшнимнинг товуғи, ўз ҳовлисидан дон териб емай, бемалол бизникига ўтаяпти, «Оббо», лаънати-ей! Бизнинг ҳовлида биров сенга дон сепиб қўйибдими?» дегим, ҳар доимгидек қоқоқлатиб қувиб, тош билан боплаб ургим келади. Лекин мен ундай қилмайман. Чунки бундан кейин сира асабийлашмасликка аҳд қилганман. Битта товуқ бизникига ўтса ўтибди-да, ҳовлидан ўзимизнинг товуқлар бир нима топиб еёлмай сулайиб ётибдию, унга йўл бўлсин. Ғазабдан бетим тиришиб, томоғим жиз-жиз қуйишиб турган бўлса ҳам илжайишга ҳаракат қилиб турибман. Бехосдан қўлимга тушиб қолган тошни товуққа эмас, четга улоқтириб юбордим. Тош қарсиллаб бориб, соя жойда бемалол мудраётган улоқчамнинг бошига тегди, у жон ҳолатга сакраб деразанинг учта ойнасини синдирди. Вой-вой, бошидан қон оқаяптими? Барибир асабийлашмайман. Ҳечқиси йўқ, қон — ёруғлик. Деразанинг ойнаси синган бўлса, шамол кириб туради, қайтанга маза. Ия, қўшним яна «пат-пат»ини дарвозамнинг олдига олиб келиб патиллатаяптими?

Оббо, аблаҳ-ей! Тутун чиқадиганини атайлаб бизникига тўғрилаб қўйибди-я. Қоп-қора тутун индамай ҳовлига кириб келаяпти. «Қўшнимни бир заҳарлай» деганда бу, нокас! Шошмай тур, заҳарлаганинг учун сени судга бериб, маймундек ўйнатиб, жарима ундирмасам отимни бошқа қўяман. Икки-уч ой бизникига сут-қатиқ ташиб юрганингдан кейин «пат-пат»ни кўрсанг лабингга учуқ тошадиган бўлади. Ҳмм, бошимга яна оғриқ кирди, вой миям-ей, лўқиллай бошлади. Тўхта, мен нима қилаяпман, асабийлашмайман дегандим-ку! Бекорга овора бўласанлар. Бугундан бошлаб ҳеч ким жаҳлимни чиқаролмайди.

Бошим оғриса оғрийверсин,, миям лўқиллаб отилиб кетмайдими, барибир асабийлашмайман, вассалом.

Тутун ҳовлига кирса нима қипти?

Бир томондан кирса, иккинчи томондан чиқиб кетаверади. Барибир, ҳовли атрофидаги девор ҳали битмаган.

Вой, бошим, вой юрагим!

Ҳов анови томда юрган мушук кимники бўлди? Бизникига ўхшайди. Орқасидан қувиб юрганичи? Қўшнимники-ку!

Уф! Бездим буларнинг дастидан. Мушукка ҳам тинчлик йўғ-а, бу дунёда!

Буларга жазо берадиган ташкилот борми ўзи?! Бунақада жонинг тошдан бўлсаям эзилиб, тананг темирдан бўлсаям эриб кетади-ку!

Отамиз ҳам роса содда одам ўтганларда, қуриб кетгандек исмимни Теша деб қўйганлар. Тош ёки Темир деб қўйганларида ҳам бунчалик алам қилмасди. Қайтанга чидамлироқ бўлармидим. Теша-я! Мен тешаманми? Нимани тешаман? Деворни тешаманми? Ҳа, ҳозир бошим билан қўшнининг деворини тешаман. Мана сенга, ана сенга...

Вой, бош..и-им!

**Ҳикмат ШАРИПОВ**



**—Уятсиз жойлари ўтиб кетгунича тескари қараб турамизми?**

**Рассом З. УСМОНОВ**

# «ХОТИНИМНИНГ УРУҒИДАН ЎРГИЛАЙ»

***Адабиёт мухлислари Ҳайдар Муҳаммадни шоир ва драматург сифатида яхши билишади. Аммо у яхшигина ҳажвчи ҳамдир.***

***Яқинда «Ёзувчи» нашриётида адибнинг «Хотинимнинг уруғидан ўргилай» номли тўплами босилиб чиқди. Ундан кўплаб ичакўзди ҳажвиялар, ҳангомалар, ўрин олган. Қуйида тўпламдан ўрин олган айрим латифаларни ўқийсиз.***

### АНА ШУНИСИ НОТЎҒРИ-ДА!

Бир талаба имтиҳон вақтида қўйнидан китоб чиқарди-да, керакли варағини йиртиб олиб яхшилаб кўчирди. Жавоб бериш гали келганда кафедрага чиқиб қоғоздагини шариллатиб ўқиб берди-да, қойил қилиб ташладим дегандек, ўқитувчига беписанд қаради.

— Нотўғри, — деди ўқитувчи кўзойнагини тўғрилаб.

— А? Нотўғри? Нимаси нотўғри?

— Ҳаммаси нотўғри.

— Домла, сиз ўз фанингизни билмас экансиз, бу жониворни китобдан кўчирдим-ку, — деб китоб варағини жаҳл билан ўқитувчининг олдига ташлади.

— Ана шуниси нотўғри-да, — деди ўқитувчи.

### ЯНГАГА МАЪҚУЛ ШОФЁР

— Эй, Обид Абиевич, ишлар тузукми?

— Шикоятга ўрин йўқ, дуруст.

— Дарвоқе, машинангизга шофёр олдингизми?

— Бир йигит келиб юрибди, бугун янгангизга бир кўрсатиб олай, маъқул деса эртадан ишга тушади.

### ДУО ОЛГАН ЎҒРИ

Бир куни бир ўғри иши бароридан келганига маҳалланинг кексаларини, мачитдан домла-имомларни чақириб, қўй сўйиб худойи қилиб берибди. Худойи тугаб, кетаётганда домлага тугунни катта қилиб, қийиқчанинг учига 100 сўмликни тугибди. Домла тугилган пулга шундоқ бармоғини теккизиши билан, пулнинг мўмайлигидан кўнгли тўлиб, узоқ дуо қилиб, охири: «Касби-корингга барака берсин», деб юзига фотиҳа тортибди. Қолганлар «омин» дейишиб тасдиқлашибди. Эртаси куни ўғри имомнинг уйини шилибди.

### ИККИ ЁҒИ ПИШСИН ДЕБ

Битта бола иккинчисидан сўраб қолди:

— Қизиқ, қуёш нега бир ёқдан чиқиб, иккинчи ёққа ботади-а?

— Шуниям билмайсанми, каллаварам, ўқитувчимиз айтган, дарахтдаги меваларнинг икки ёғини пишириш учун-да, бўлмаса бир ёғи пишмай қолади, — деб жавоб қайтарибди шериги.

### ОПАНГДАН БЕРИБ ЮБОРАМАН

Афанди бир четда турган шофёр йигитга учрашди.

— Ука, мени Чўпон отага обориб қўясизми?

Шофёр Афандининг бошидан оёғигача қараб чиққач, йўловчилигига ишониб:

— Бир оғиз гапингиз, — деди ишшайиб. — Битта «Экстра»нинг пулини берсангиз бўлади. Аммо илтимос, йўлда автоинспектор тўхтатса, бу поччам, дейман. Келишдикми?

— Келишдик.

Чўпон отага келганда Афанди йигитга икки сўм чўздию индамай кетаверди.

— Ие, почча, қолганини ким тўлайди? — деди.

— Кейинроқ опангдан бериб юбораман, — деди Афанди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси шоир

**Ҳамза ИМОНБЕРДИЕВ**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Гулхан» ва «Ғунча» журналлари жамоаси иқтидорли болалар шоири

**Ҳамза ИМОНБЕРДИЕВ**нинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI — 1997

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32

Қабулхона телефони— 33-52-91

* * *

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

*Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Навбатчи муҳаррир — Асқар ШОКИРОВ

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 24. Буюртма Г. — 0565. Ҳажми — 3 босма табоқ. Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Индекс 64593. 1 2 3 4 5 6